



Ислом Нури

- 1 [Мухаррам ойида нафл рўза тутишнинг фазилати](#)
- 2 [Нега Ошуро рўзасини тутамиз?](#)
- 3 [Ошуро куни рўза тутишнинг фазилати](#)

Ҳадислар

Имом Муслим Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: «Рамазондан кейинги энг афзал рўза Аллоҳнинг ойи Мухаррамдаги рўзадир ва фарз намозларидан кейинги энг афзал намоз кечаси ўқилган – таҳажжуд – намоздир», дедилар.

Муттафақун алайҳ бўлган ҳадисда Ибн Аббос розияллоху анхумо шундай дейди: Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам Мадинага – ҳижрат қилиб – келганида яҳудларни Ошуро куни рўза тутаетган ҳолда топдилар. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам улардан:

- Нима учун бу кунда рўза тутяпсизлар? деб сўрадилар. Улар:

- Бу кунда Аллоҳ таоло Мусо алайҳис-салом ва унинг қавмига нажот берган, Фиръавн ва унинг қавмини ғарқ қилган, Мусо алайҳис-салом шукр қилиб, рўза тутган улўф кун, биз ҳам – бу кунда – рўза тутамиз деб жавоб беришди. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам:

-Биз Мусо алайҳис-саломга сизлардан кўра ҳақлироқмиз», дедилар. Ва – шу кунда – рўза тутдилар, умматини рўза тутишга буюрдилар.

Имом Муслим Абу Қатода розияллоху анхудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва салламдан Ошуро куни тутиладиган рўзанинг савоби ҳақида сўрашди: «Ўтган бир йиллик гуноҳларга



Ислом Нури

каффорот бўлади», дедилар.

Имом Муслим Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилган ҳадисда, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Келаси йилга ҳаёт бўлсам, 9- кунни ҳам тутаман». Абу Бакрнинг ривоятида, «яъни, Ошуро кунини», деган зиёдаси бор.

Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳумо ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Ошуро кунини рўза тутиб ва бунга буюрганларида саҳобалар айтдилар: Бу яҳуд ва насоролар улуғлайдиган кун. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам «ин ша Аллоҳ келаси йил бўлса тўққизинчи кунни ҳам тутамиз» дедилар. Келаси йил келмасдан туриб расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам вафот этдилар» (Имом Муслим ривояти).

Шарх:

Ошуро кунини рўза дейилганда муҳаррам ойининг ўнинчи кунини тутиладиган рўзани тушунамиз. Бу кунда Аллоҳ таоло Мусо алайҳис-саломни қавми билан нажот топтириб, Фиръавнни ғарқ қилган кун. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бу кунда рўза тутмоқни суннат қилдилар ва ўтган бир йиллик гуноҳларга каффорот бўлишининг хабарини бердилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам қилаётган амалларида аҳли китобларга ўхшашлик бўлса, уларга хилоф иш тутишни севардилар. Шунинг учун ҳам келаси йилгача қолсалар 9- кунни ҳам қўшиб тутишларини эълон қилдилар. Ул зотга Аллоҳ таоло келаси Ошурога етишни насиб этмади. Бироқ суннатларига амал қилиш боқийдир, умматнинг солиҳ кишилари 9- ва 10- Мухаррамда Ошуро рўзасини тутиб келмоқдалар.